

## Аёл кишининг қазо рўзалари кўпайиб кетса, ўрнига истиғфор айтса бўладими?

16:18 / 10.04.2022 3165

**Савол:** Аёл кишининг қазо рўзалари жуда кўпайиб кетса, тавба қилиб, истиғфор айтса кифоя қиладими?

**Жавоб:** Бепарволик, дангасалик туфайли қолдирилган рўзалар зиммада вожиб бўлиб тураверади. Уларни адо қилиш фарздир. Тавба, истиғфор билан кечиктирганликнинг гуноҳи кечирилади. Лекин зиммадаги барча қазо рўзаларни тутиб бериш зарур. Қолдирилган рўзаларга одамнинг умри етмаса, қодир бўлганича қазо рўзаларини тутиб, қолганига фидя тўлашни васият қилиш лозимдир. Қодир бўлганича қолдирган рўзаларининг қазоларини тутиш фарз. Бунда фидя тўланмайди, қазонинг кетма-кет бўлиши ҳам шарт эмас.

Узрли аёллар (касаллик, ҳайз ва нифос кўрган аёллар каби) узрлари кетгандан кейин вафот этишса, соғайганидан сўнг ёки ҳайз ва нифоси тўхтаганидан сўнг неча кун яшаган бўлса, ўшанча кунлик рўзанинг - фидясини васият қилиш зиммаларига лозим бўлади.

**«Мўминнинг қалқони» китобидан**